

ЎҚИТУВЧИНИНГ ДАРС БЕРИШ МАҲОРАТИ.

Рахматтуллоева Матлуба Рахмоновна

Кулмаматова Ибодат Эркиновна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 1 сонли

Тошкент академик лицейи

Педагогик маҳорат – бу: биринчидан, шахснинг структурасида ўз-ўзини бошқариш; иккинчидан, фундаментал билимларини, касб маҳоратини, мутахассислик малакасини эгаллаш; учинчидан, педагогик қобилиятларни, маҳоратни такомиллаштиришни тезлаштириш; тўртинчидан, техник билим ва қобилиятларга таяниш, педагогик фаолият мақсадларини бир-бири билан боғлаш қабиларга эришишдир.

Маҳоратли ўқитувчи талабалар руҳиятини, билим ва камолот даражасини ҳисобга олади. Баъзи ўқитувчиларга дарсликдаги ўқув материали оддий, тушунарли ва қандайдир алоҳида изоҳни талаб этмайдигандек туюлади. Бундай ўқитувчилар талабаларни эмас, балки ўзларини назарда тутадилар. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзини талабанинг ўрнига қўя олади. У фаннинг илмий-назарий асосларини талабаларга тушунтириш мақсадида иш тутади. Шунинг учун у баён этишнинг характер ва шаклини алоҳида ўйлаб чиқади.

Маҳоратли ўқитувчи дарс материални баён этиш жараёнида талабаларнинг қандай ўзлаштираётганларини кузатувчанлик асосида пайқаб олади ва зарур ҳолларда баён қилиш усулини ўзгартиради. Шунингдек, ўқитувчи талабаларни саводли ўзлаштиришлари учун замин тайёрлаб, уларни дам олишдан ишга ўтишлари, бўшагини, ланжлик, лаёқатликларини барҳам бериш учун минимал даражада фойдаланиш учун вақт ажратиш зарурлигини ҳисобга олади. У тегишли вазият келгунга қадар иш бошламайди.

Ўқитувчининг одоби, маданияти юксак бўлсагина, талабаларга нисбатан меҳрибон, саҳоватли бўла олади. Ўқитувчи умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиши лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-этикод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, ҳам юксалтириб бориши ва уларни талабалар қалбига сингдириш зарур. Ўқитувчи фаолияти ўз моҳиятига кўра ижодий характерига эга. Маълумки, инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж туғилади. Ўқитувчи фаолияти ана



шундай хусусиятга эга. Педагогик ижодкорларнинг асосий моҳияти фаолиятининг мақсади ва характери билан боғлиқ. Педагогик фаолият талаба шахсини, унинг дунёқараши, эътиқоди, онги, хулқ-атворини шакллантиришдек умумий мақсадга бўйсинган сон-саноксиз масалаларни ечиш жараёнидир. Ўқитувчи фаолиятидаги ижод-корлик ана шу масалаларни ечиш усулларида, уларни хал қила олиш йўл-ларини қидириб топа олишида ифодаланади.

Педагогик ижодкорлик манбаи – бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба - муаммоли вазиятларга жуда бойдир. Илғор педагогик тажриба деганда, биз ўқитувчининг ўз педагогик вазифасига ижодий ёндошишини, талабаларнинг таълим-тарбиясига янги, самарали йўл ва воситаларни қидириб топишини тушунамиз.

Ижодий ишлайдиган ўқитувчи фақат талабаларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбия бериш, илғор иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан, ташқи таъсирчанлик кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиши зарур. Хозирги замон тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита билиш, фан ютуқ-ларини талабаларга етказа олиш, тадқиқот ишларига ўргата олишини талаб қилади.

Тарбия жараёнида талабага педагогик таъсир кўрсатиш у ёки бу юксак ахлоқий сифатларининг моҳиятини аниқлаш демакдир.

Ҳар бир шахсга таъсир этиши тарбиячининг педагогик маҳорати ва обрўсига боғлиқдир. Бунда:

- талабанинг ижобий хатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилмаслиги;
- талаб аниқ ва тушунарли бўлиши;
- қўйилган талаб ва вазифаларни натижасини билиш;
- талаб очик чехра, самимий бир оҳангда берилиши, илтимос, маслаҳат, яхши ниятга чорлаш;

- талаб талабаларнинг ёши, билим савиясига мос бўлиши, талабаларга кесатиш, миннат қилиш бўлмаслиги ва бошқаларга эътибор бериш лозим.

Касб-ҳунар таълими коллежи ўқувчилар жамоаларини ташкил қилишда ўқитувчидан турли-туман усул ва воситалардан маҳорат билан фойдаланиш талаб қилинади.

1. Ўқитувчи жамоа аъзоларини янги шароитга мослаштириш жараёнида уларга ишонч, ҳурмат, хушмуомалалик талабларни тўғри қўя билиш, шу билан бирга ўқувчини тушуниш ва эшита билиш маҳоратига эга бўлиши керак.

2. Ўқувчилар жамоасидаги етакчи куч-таянч ўзагини танлаш.



3. Жамоа аъзоларининг хар бирининг кучига, қобилиятига қараб топшириқлар бериш.

4. Жамоода янги анъана, қонун-қоидаларнинг дастлабки куртагини яратиш ва унга амал қилиш.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. – Т.: «Ўқитувчи», 1997.
2. Зарипов К. Ўқитувчилар малакасини оширишда мактаб рахбарларининг роли. – Т.: «Ўқитувчи», 1993.
3. Мунавваров А.Қ. Педагогика. – Т.: «Ўқитувчи», 1996.
4. www.pedagog.uz
5. www.tdpu.uz
6. www.kasu.uz

